

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги "Кўкча-оқтепа" маҳалла фуқаролар йиғинида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, Учтепа тумани ҳокимияти Хотин-қизлар Кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳомийлигида "Аёл — мўътабар" мавзuida маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда маҳаллада истикомат қилувчи хотин-қизлар ва нуруний онахонлар иштирок этдилар.

Хусна бой, кўзгуси ой эй, она Юртим, Баҳорнинг илк кунлари, илк нафаси муборақ бўлсин!



Эндиги асосий вазифамиз — сайловчиларнинг ишончини оқлаш, уларга берган ваъдаларимизнинг устидан чиқиш. Шубҳасиз, бу бизга юксак масъулият юклайди. Депутатлик гуруҳлари ишини жонлантириш ҳам олдимиздаги муҳим масалалардан бири саналади. Ҳар бир депутат қабул қилинаётган қонунларга, ҳукумат қарорларига, жамиятдаги воқеа-ҳодисаларга партия дастури ва вазифаларидан келиб чиқиб ўз муносабатини билдириши шарт.



ADOLAT

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

№ 9 (765) 2010 йил, 5 март, жума adolat_sdp@doda.uz

O'zbekiston «ADOLAT» SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI Ижтимоий-сиёсий газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Ишонч ёрлиқлари топширилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 4 март куни Оксаройда Қозоғистон Республикаси, Туркия Республикаси ва Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Борибай Жексембин, Меҳмет Сертач Сунмегай ва Чон Дэ Ван ишонч ёрлиқларини топширди.

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, элчиларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлади, юртимизда бошланган миссияларида муваффақият тилади, шунингдек, Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Қозоғистон элчиси билан суҳбат чоғида ўзбек ва қозоқ халқларини умумий тарих, муштарак урф-одатлар ўзаро боғлаб туриши, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янги давр талабларидан келиб чиқиб, ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама асосда ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Ўзбекистон ташқи савдосида Қозоғистон юқори ўринларда туради, — деди Борибай Жексембин. — Мамлакатларимиз ўртасида нафақат савдо-сотик, айти пайтда сарможалар алмашуви ҳам ривожланмоқда. Қозоғистон Ўзбекистондан қишлоқ хўжалиги, кимё саноати маҳсулотларини, курилиш материалларини, кўплаб бошқа турдаги товарлар ва хизматларни импорт қилади. Қозоғистон ишбилармонлари янги таклиф билан Ўзбекистонга келиш ниятида. Элчи сифатида ана шундай алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаман.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги алоқалар савдо-иқтисодий ва молиявий соҳаларда жадал ривожланмоқда. Хусусан, мамлакатимизнинг тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатида туркиялик шериклар билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Биргаликда амалга оширилаётган кўплаб қўшма лойиҳалар икки мамлакат ўртасидаги сарможаларни ривожлантиришга, ишбилармонларнинг беvosита алоқаларини кўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Элчилик фаолиятимиз даврида бор куч-гайратимизни Ўзбекистон билан Туркия ўртасида савдо-иқтисодий, сиёсий ва гуманитар алоқаларни ривожлантиришга сарфлаш ниятидан, — деди Меҳмет Сертач Сунмегай. — Аминманки, иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш учун икки томонда ҳам катта салоҳият мавжуд. Хусусан, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини бир неча баробар ошириш имконияти бор.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар бугун ўзининг олий босқичига кўтарилган, дейиш мумкин. Президент Ислам Каримовнинг жорий йил февраль ойида Корея Республикасига давлат ташрифи асносида эришилган натижалар бунга яққол тасдиқлайди. Жанубий Корея томонидан Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган сармоя 2 миллиард АҚШ долларидан ошди. Ислам Каримовнинг Корея Республикасига ташрифи асносида эришилган келишувлар амалиётга татбиқ этилгач, бу кўрсаткич 5 миллиард долларга етди.

Икки мамлакат сиёсий соҳада ҳам яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида маданий-гуманитар алоқалар ҳам кенг кўлаmda ривожланмоқда.

Икки мамлакат раҳбарлари ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилганини таъкидлаш жоиз, — деди Чон Дэ Ван. — Бу ҳамкорликнинг барча жабҳаларида алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўз миссиям даврида ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга устувор масала сифатида қарайман.



Пойтахтимизда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг II Пленуми бўлиб ўтди. Партия Сиёсий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари ва партия фаоллари иштирок этган Пленумда «Адолат» СДП олдида турган қатор долзарб масалалар атрофида муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда.)



«Адолат» СДП: ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗ

янада ташаббускор, янада қатъиятли ва фидойи бўлишга ундайди

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси Исмоил Саифназаровнинг партия Сиёсий Кенгашининг II Пленумидаги маърузаси

Ҳурматли партиядошлар! 2009 йил мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида алоҳида из қолдири. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайлов Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлини халқимиз қизгин кўллаб-қувватлаётганлигини миллий сайлов қонунчилиги ўзининг демократик характери ва руҳи билан халқроқ стандартлар ва принципларга тўла жавоб беришини сиёсий партиялар ўз электорати манфаатини ҳимоя қилиш борасида фаолиятларини сезиларли даражада оширганлигини кўрсатди.

Шуни мамнуният билан таъкидлашни хоҳлардикки, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ушбу воқеалар партияимизнинг муҳим бир санаси билан ҳамқадам келди. Бундан 15 йил муқаддам — 1995 йилнинг 18 февраль куни пойтахтимизда бўлиб ўтган таъсис Қурултойида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ташкил этилганлиги эълон қилинган эди.

Фаолиятининг илк кунлариданоқ ижтимоий адолат ғояси тамойилни илгари суриб, мамлакат аҳолиси турли қатламларининг хоҳиш-иродасини қатъий ифода этиб келаётган «Адолат» СДП ўтган қисқа давр ичида миллий манфаатларимизга, орзу-ниятларимизга тўла жавоб берадиган тараққиёт йўлини босиб ўтди. Дастурий мақсад ва ғояларининг халқчиллиги, жозибадорлиги, уларни амалга оширишдаги қатъияти ҳамда том маънодаги адолат ҳимояси эканлиги билан жамиятда муносабат ўрин эгаллади. Ўз тарафдорлари, хайрихоҳлари ва аъзолари сафларини кенгайтиришга муваффақ бўлди. Сиёсий жараёнлар — турли сайловлардаги иштирокимиз биз учун, айниқса, катта маънавий вазифасини ўтади. Хусусан, Парламент ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларига ўтказилган сўнги сайлов бунга яна бир бор исботлади.

Маълумки, Ўзбекистон «Адолат» СДП сайловда иштирок этар экан, ўз олдида демократик ҳуқуқий давлат, қучли, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, маънавий жипслаган жамиятни шакллантириш жараёнларида ўз ролини кўчаитириши мақсад қилиб олган эди. Бу борада партия давлатимиз раҳбари томонидан баён этилган мамлакатимиз ривожланишининг асосий тамойиллари — иқтисодиётнинг сийсатдан устунилиги, давлатнинг бую ислохотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, қучли ижтимоий сийсат олиб бориш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил амалга оширишни таъминлашдан иборат бўлган, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини амалга оширишга асосланди.

Бугун мамнуният ила айта оламизки, партияимиз бу галги сайловда бир қадар ижобий натижаларга эришса олди. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари сони 2004 йилга нисбатан қарийб икки баробарга ўсиб, 19 кишини ташкил этди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорй Кенеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига 68 нафар вакилимиз депутат этиб сайланди. Натижада мазкур Кенгашларда 3 нафардан 11 нафаргача азоси бўлган депутатлик гуруҳларини ташкил этишга эришилди.

Парламентда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси ташаббуси билан навбатдаги давра суҳбати ташкил қилинди. «Қонун устуворлигини таъминлашда адвокатура институтининг ўрни» деб номланган ушбу давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлигининг Юристар малакасини ошириш маркази профессор-ўқитувчилари ва тинловчилари, Адвокатлар палатаси масъул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди. Тадбирни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Исмоил Саифназаров олиб борди.

ИЖТИМОЙ АДОЛАТ — БОШ МАҚСАДИМИЗ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг халқроқ ҳуқуқ нормалари талаблари асосида ўз суверенитетини, халқининг иродасини ифода этадиган, миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат чегараси дахлсизлигини, давлат тилини, шу ҳудудда истикомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг ривожланиши учун шароит яратишини, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканини, қонун устуворлигини, мамлакат ички ва ташқи сийсатини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини белгилайдиган ҳуқуқий механизм яратилди. Шулардан бири адвокатура институтидир.

Юртбошимизнинг 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислохот қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизминини янада кучайтирди. — Ушбу Фармон эркин фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан илдам бораётган мамлакатимиз суд ҳуқуқ тизимида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қарата қўрилган кескин чоратадбирлардан биридир, — деди Исмоил Саифназаров. — Фармон асосида Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура институтининг таъминлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун хизмат қилмоқда.

Давра суҳбатида Адлия вазирлигининг Юристар малакасини ошириш маркази директори Аскар Гофуров, Адвокатлар палатасининг раиси Топушлат Саидов, фракция азоси Абдуқамол Раҳмоновлар маъруза қилди. Очиб мuloқот таразиде бўлиб ўтган тадбир қизиқарли савол-жавоблар, жўяли фикрлар, таклиф ва тавсияларга бой бўлди.

Фарҳод ЭРКИНОВ, «Adolat» мухбири.

Депутат минбари

ЖАМИЯТНИНГ АРДОҚЛИ ВАКИЛАЛАРИ

— хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси учун барчамиз масъулмиз. Фарзандларимиз келажаги, миллатимиз тақдири шунинг тақозоси эди

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама етук, ўз мустақил ҳаётини позициясига эга, билимли, доно ва иродали, қолаверса, миллий қадриятларимизга, буюқ тарихимизга содиқ ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, қудратли давлат, аввало, унда истикомат қилаётган аҳоли, айниқса ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, юксак маданияти, маънавияти билан ажралиб туради.

«Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажақимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг халқилуви қучидир». Мухтарам Юртбошимизнинг ушбу сўзлари замирида мантқан жуда чуқур ифода, мазмунмоҳият мужассам. Бу сўзлар Баркамол авлод йилгига ҳамоҳанглиги борабарда жамиятнинг барча аъзолари, биринчи галда, ёшлар қамолотига масъул бўлган аёллар зиммасидаги ўта жиддий масъулиятни англатади.

(Давоми 3-бетда.)

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

ФАРФОНА. Охунбобоев туманидаги транспорт ва йўл қурилиши коллежида «Баркамол авлод мажмуаси» очилди.

Маъмура мактабларнинг юқори синфлари, лицей ва коллеж ўқувчилари, маҳаллалардаги ёшларнинг илмий, техникавий, бадиий қобилиятини ривожлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш, санъатга ва бадиий ижодга қизиқтирилари рағбатлантириш, ўқушдан бўш пайтларини мазмунли ўтказишга хизмат қилади.

САМАРҚАНД. Бу ердаги лифтсозлик заводи очиқ акциядорлик жамиятига Россия Федерациясининг «Перевест-инвест» акциядорлик жамияти томонидан 7,26 миллион АҚШ доллари миқдорига сармоя киритилиб, техник ва технологик линиялар модернизацияси амалга оширилмоқда.

Лифтсозлар ушбу маблагни қорхона цехларини капитал таъмирлаш ва янги замонавий ускуналар сотиб олишга сарфляпти. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми бир неча баробар ошиб, экспорт салоҳияти ҳам юксалиш сари юз бурди. Айни кунларда қорхона ўз маҳсулотларини МДХ мамлакатларига жўнатмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

ЖАМИЯТНИНГ АРДОҚЛИ ВАКИЛАЛАРИ

(Давоми. Бошлонғи 1-бетда.)

Бизнинг аёлларимиз, бизнинг момоларимиз, оналаримиз азал-азалдан улуғлаб келинган, уларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилган. Буюк тарихимиздан хотин-қизларнинг энг шарафли, энг эзгу ва шу билан бирга, ўта мураккаб вазифаларни ечишга қодир эканлиги, уларнинг нафақат ўз оиласида, балки жамиятдаги роли бекиёс бўлганлиги хусусида кўплаб мисоллар маълум. Шу боисми, «Аёл бир кўли билан бешикни, иккинчи кўли билан дунёни тебратди» деган нақл халқ орасида бежиз вужудга келмаган.

Мустақиллик йилларида оилани, оналик ва болаликни, ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Шу йиллар ичида республикада инсон манфаатларини рўйбга чиқариш, унга муносиб турмуш шароитларини яратиш, қолаверса, барча учун муқаддас ва азиз бўлган оиланинг мавқеини, салоҳиятини, моддий фаровонлигини ошириш кабиларга алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамиятдаги мақоми, роли ва нуфузини юксалтириш борасида кенг миқёсда ишлар амалга оширилдики, жамиятимизнинг ардоқли ва ҳурматли

тоифаси вакиллари бугунги кунда бор куч-гайратларини, билим ва салоҳиятларини Ватан равнақи, эл фаровонлиги, фарзандларимиз камолоти учун сафарбар этмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқли эканлиги эътироф этилган. Шунинг баърида Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб — 1995 йилнинг 6 майда БМТнинг «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция»ни ратификация қилди. Умуман, мустақиллик йилларида Ўзбекистон хотин-қизларга тааллуқли ўнлаб халқаро Конвенциялар ва декларацияларга қўшилди. Мамлакатимиз Парламенти ва ҳуқуқати томонидан юртимиз хотин-қизлари манфаатларини, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари юзасидан юзга яқин қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Зулфия номидаги Давлат мукофоти»ни таъсис этиш буйича тақлифлари кўлабқувватлаш тўғрисида»ги (1999 йил 10 июнь) Фармони мамлакатимиз хотин-қизларининг адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳалари буйича иқтидор ва салоҳиятларини юзага чиқариш ҳамда рағбатлантиришда муҳим омил бўлиб хиз-

мат қилмоқда. Буларнинг бари республикада аёлларнинг жамиятдаги роли ва ўрнини юксалтиришга қаратилган катта эътибор ва ғамхўрликдан далолатдир.

Мамлакатимиз сиёсий майдонида ўзининг муносиб нуфузига эга бўлган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фаолиятида хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи муҳим ўрин эгаллайди. Айни пайтда партияимиз сафларида турли касб-хунар эгалари бўлган 40 минг нафардан ортиқ хотин-қизлар бир гоё, бир мақсад йўлида бирлашган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари — депутатларнинг 7 нафарини аёллар ташкил этади.

Партияимиз, айниқса, гендер йўналишидаги муаммоларни ҳал этиш, хотин-қизларни иш билан таъминлашда қасб-хунар ва жамиятда имкониятларни ривожлантириш, қолаверса, аёлларнинг ҳуқуқий сабабдорлигини ошириш каби қатор йўналишларда бошқа сиёсий партияларга нисбатан кенг қўламли ва салмоқли ишларни амалга ошириб келмоқда. Бинобарин, сайловда дастурида алоҳида қайд этилган ҳақиқат, «Адолат» социал-демократик партияси хотин-қизлар оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир кенг қўламли ишохотларни изчил давом эттириш тарафдори. Биз учун хотин-қизларни давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг барча жабҳаларида жалб этиш, чуқур билим

ва касб маҳоратига эга бўлган аёлларга кенг имкониятлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий пойдевори яратилган. Лекин, ана шу имкониятлардан ўз ўрнида, ўз вақтида ва тўла фойдалана олмаётганлигимиз ҳам сир эмас. Шу ўринда бир мисол: 1998 йилда «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Унда хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасига, улар меҳнатини муҳофаза қилишга, ишлайдиган оналарнинг ёш фарзандлари тарбияси билан шуғулланишлари учун қўшимча имкониятлар яратишга қаратилган қатор нормалар белгиланган. Афсуски, мазкур қонун талаблари ҳамма жойда ҳам қўйилмадики, демак, аёлларнинг ҳимояси, уларнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўплаб амалий ишлар бажарилмоқда, — дейди «Кўча-оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собитхон Имомов. — Хусусан, шу ўринда Юртбошимизнинг хотин-қизларга қўрсатган алоҳида ғамхўрлигини таъкидлаш жоиз. «Оила йили», «Оналар ва болалар йили», қолаверса, жорий йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилини-

Демак, Баркамол авлод йилидаги саъй-ҳаракатларимизнинг барқалиби бўлиши учун жойларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга тегишли бўлган барча мевърий ҳужжатларнинг ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратишимиз талаб қилинади. Бунинг учун эса биргина хотин-қизлар ташкилотлари эмас, балки бутун жамият ҳамжиҳатликда иш олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Зотан, фарзандларимиз келажаги, миллатимиз тақдири, баркамол авлод масъулияти шунинг тарафдори.

Зухра БОТИРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Адолат» СДП Хотин-қизлар Кенгаши раиси.

Тадбир

Аёл — мўътабар

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Кўча-оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғинида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши, Учтепа тумани ҳокимияти Хотин-қизлар Кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳимоясида «Аёл — мўътабар» мавзусида маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда маҳаллада истиқомат қилувчи хотин-қизлар ва нуруий онахонлар иштирок этишди.

— Юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўплаб амалий ишлар бажарилмоқда, — дейди «Кўча-оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собитхон Имомов. — Хусусан, шу ўринда Юртбошимизнинг хотин-қизларга қўрсатган алоҳида ғамхўрлигини таъкидлаш жоиз. «Оила йили», «Оналар ва болалар йили», қолаверса, жорий йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилини-

ши ва шу ном асосида қабул қилинган Давлат дастурида хотин-қизларнинг ҳар жабҳада фаоллиги қайд этиб ўтилган.

Тадбир иштирокчиларига партиянинг Хотин-қизлар Кенгаши фаолияти ҳам таништириб ўтилди.

— Бугунги кунда Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси аъзоларининг қарийб ярмини хотин-қизлар ташкил этади, — деди тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар партия Кенгаши раиси Париди Пармонова. — Шундан келиб чиқиб, партия Хо-

тин-қизлар Кенгаши ўз фаолияти давомида хотин-қизлар мавқеини, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларга кенг имкониятлар, шарт-шароитлар яратишни асосий мақсад қилиб келади. Бу эса оилаларнинг мустаҳкамланишига, фарзандлар тарбиясининг яхшиланишига, хотин-қизларнинг нафақат ўз оиласи, балки жамият тараққиёти учун учун самарали меҳнат қилишларининг фаоллашуви, ҳуқуқий-демократик жамият куриш жараёнида аёллар иштирокининг кенгайишини таъминлайди.

Тадбир сўнгида ўнлаб онахонлар ва жамиятимиз ҳаётида фаол хотин-қизларига байрам совғалари улашилди. Болажонлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар тадбирга ўзгача фойда бағишлади. Муҳаррам ДАДАХУҲАЕВА.

ҚИШ-КУ ҲАМ...

аммо баҳор, ёз ва кузда ҳам ёнғиндан эҳтиёт бўлмоқ жоиз

Халқ хўжалиги ривожига газ ёқилгиси асосий ўрин тутди. Ундан хавфсизлик қондаларига риоя қилган ҳолда фойдаланиш — йилнинг ҳамма фасли учун бирдек тегишли.

Республика Ички Ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, «Ўзбекэнерго» ДАК ҳамда «Ўзтрансгаз» АК томонида ишлаб чиқилган махсус ташкилий ва амалий иш режалари ижроси муваффақиятли таъминланди. Тузилган тезкор штаблар ва уларнинг ишчи гуруҳлари ҳам бир туман ва маҳаллаларда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари, профилактика инспекторлари, газ ва электр идоралари хизматчилари, шунингдек, бошқа тегишли идоралар ҳамда таши-

лотлар, муассасалар вакиллари жалб этилди. Республикада бўйлаб 273 та ишчи-гуруҳлари ташкил этилиб, улар вазирликлар, идоралар, компаниялар, ҳокимиятлар вакиллари иштирокида икки мингдан ортиқ рейд текширувлари ўтказилди.

Мана, қиш ҳам ўтди, лекин баҳор, ёз ва куз ойларида ҳам газ ҳамда электр энергиясидан фойдаланиш борасида ҳушёрликни қўлда бермаслик жоиз. Аммо, унутмаслик керак, аҳолининг ҳам ташаббускорлиги, фуқаролар масъулияти муҳим аҳамиятга эга. Ўз уйимизни ўзимиз асрамак, ким асрайди, ахир?!

А.ЗИЯБЕКОВ, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани ИИБ ЁХБ инспектори, катта лейтенант.



«Асака» Давлат акциядорлик тижорат банки

Бухоро вилоят филиали жамоаси

Мустақил Ўзбекистон хотин-қизларини

SMART

Халқаро хотин-қизлар кунини

байрами билан самимий муборакбод этади!

Муҳтарам онахонлар, она-сингиллар, Сизларга бахт-саодат, оилавий шукуҳ ва фарзандлар саодати доимо йўлдош бўлсин!



Тошкент шаҳридаги МИРОБОД МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

муноси онахонлар-у муҳтарам она-сингилларимизни баҳорнинг илк айёми — Халқаро хотин-қизлар кунини билан самимий қутлайди.

Коллеж 2004 йилда ташкил топган бўлиб, асосан ҳозирги илҳотлар даврида жамиятимиз учун низоҳатда зарур бўлган компьютер ва компьютер тармоқларини монтаж қилиш, соғлаш ва ишлатиш, мультимедиа тизимлари ва компьютер графикаси, бухгалтерия ҳисоби ҳамда менежмент йўналишлари буйича ёш кадрларни етиштириб беради.

Билим масканининг миллий ва европа гуруҳларида тахсил олаётган 289 нафар талабасига 8 нафар олий, 21 нафар биринчи тоифали педагоглар, тажрибали мутахассислар сабоқ беришади. Битирувчилар асосан «Фотон», «Тошэлектротармоқлари» ва «Premier Plus» каби корхоналарга ишга жойлаштирилади.

Ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш учун 15500 дан ортиқ китоб фондига эга бўлган ахборот-ресурс маркази, 120 ўринли тантаналар зали, кенг ва шинам спорт саройи, янги ташкил этилган тренажёр зали ва компьютер курслари доимий ишлаб турибди.

2010-2011 ўқув йилидан бошлаб билим даргоҳи Тошкент ахборот технологиялари ва сервис касб-хунар коллежи номи билан юртида ҳамда келгуси фаолиятини айни пайтда қад рўстлаётган янги замонавий бинода давом эттиради...

Ўзингиздан табассум, қалбингиздан меҳор муҳаббат ҳеч қачон аримасин, бахтимизга ҳаммиса соғ бўлинг, азиз аёллар!

Хар жонни, хар дони асраб, ардоқлаб, ҳаётнинг оқ, пушти, қизил, яшил, кук — минг рангини қўшиқ-ла қалбларга жойлаб — фаслар ҳукмронлиги Баҳорга ўтмоқда.

Кокилларини ювиб турган икки азим дарё — Жайхун ва Сайхун бошидаги қорли тоғларга, уйку хумори-ла мудроқ босган боғу роғларга, чор атрофда ниш ураётган кўм-кўк майсалар гилам бўлиб тўшалгуси қирларга, адирларга, қўзигул, чучмома, бўтакўзу қизгалдоқларга чулгангуси яйловларга, жағ-жағ, исмалок, ялпизу равочлар ила бурчангуси дала-дашларга ҳамалдан олдин хут ёллари қанот қоқиб йўл олди.

...Уч-тўрт кун олдин юртимиз кўкидан турналар тизими учиб ўтди. Қиш бўйи ковақларда ётган кукпишлар ҳам «кукку-кукку»лаб турфа қушлар галасини чорлади. Сурхон, Қашқа, Зарафшон, Фарғона, Хоразм воҳаларида қишлаб қолган лайлақлар насим эпкиларига тўш уриб, теварак-атрофга разм ташламоқда. Болақайлар ҳаво илшин билан кўчага чопқиллаб чиқиб, варрак учиршига шайлана-япти...

Кўзларни ҳавас-ла тўлдириб, юзларни севинчи-

Баҳор нафаси кезар борлиқда...



ла кулдириб, қор остидан мўралаган бойчечагин кучоқлаб, Баҳор келмоқда яна бизни сўроқлаб...

Қиш ёқасидан тутиб, тутоқиб, ўт-ўлану куртакларни ўйғотиб бодом гулида, бинафша лабиди, ўнгирларда, кенгликларда Баҳор нафаси... Ям-яшил кузги галлазору хамирдек етилиб келаятган пахта экин майдон-

ларида Баҳор нафаси... Кўзидан уйқуси қочиб, даласига, яйловига кўксини очиб бораётган дехқон чўпон ўйида ҳам Баҳор нафаси...

Дафъатан дурдек тўкилан ёмғир, буртиб турган новда, гўдак тилидек чулди-чулдирир иромк, ариқ-арикча, офтобга интилган шашқалоқ чечак... ҳаммаси-

хаммаси Баҳор нафаси! Ҳадемай, шоир иборалари оханги билан айтганда, салқин сахарларда уйқудан туриб, булоқ суварлига озини ювиб, мармар ҳаволар кўйнига чўмиб, зиллол бўш-ликларга кенг қулоқ қўйиб, Мустиқиллик ишқи билан ёнган ўлкамизга Наврўзи айём ҳам кириб келгуси... Ана ўшанда мавлоно Муқимий лутфи билан:

Навбахор очилди гуллар,
сабза бўлди боғлар,
Сўхбат айлайлик, келинлар,
жўралар, ўртоқлар...
дея байрам шодоналарига ошиқамиз...

Хусна бой, кўзгуси ой эй, она Юртим, Баҳорнинг илк кунлари, илк нафаси муборак бўлсин!

Номоз САБДУЛЛАЕВ.



Бошини фидо айла ато қошига,
Жисмини қил садақ ано бошига.

Алишер Навоий.

Кўча севгисини ўйини барбод этар,
Уйини хотин меҳри оבוד этар.

Саъдий.

Аёлисиз ҳаёт тонги ва оқшоми заиф,
Кундузи эса гамгин бўлиб қолар эди.

Пьер Буаст.

Жазон жавобларни жавобдан

Аёл — буюк сўз. Унда қизлик мусофаллиги,
дўстга хос фидойилик, она жасорати мужжасам.

Николай Некрасов.

Аёл фидойиликни тушунибгина қолмай,
ўзини фидо қилишини ҳам билади.

Иван Тургенев.

Аёлни ҳурматлаш — ҳар бир софидил киши
туғилишидан бошлаб риоя қиладиган бурч.

Лопе де Вега.

Меҳнат ярмаркаси

ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

прокуратура органларининг доимий назоратида

Пойтахт вилоятининг Янгийул туман прокуратураси туман ҳокимияти ҳамда туман бирлашган бандликка қўмаклашувчи маркази билан ҳамкорликда Ижтимоий иқтисодий кесб-хунар коллежиди ёшлар учун меҳнат ярмаркасини ташкил этди.

Унда тумандаги 60 дан зиёд ташкилот ва муассасалар ўзларида мавжуд бўш иш ўринлари билан қатнашди.



Таъкидлаш жоизки, Янгийул туманида саноат, ижтимоий иқтисодий, қишлоқ хўжалиги кесб-хунар коллежлари фаолият юритиб келмоқда. Уларни битирган минглаб ёшларни муқим иш билан таъминлашга воғая етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва хар хил қўнғилсиз ҳодисаларнинг олдини олишга улкан хисса қўшади.

Шуни эътиборга олган ҳолда туман прокуратураси эътибор бериш лозим. Бунда ўқитувчи-мураббийлар, ота-она ва маҳалла фаолларини битирган ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

— Ана шундай меҳнат ярмаркаларини мунтазам ра-

вида ўтказиб туриш фойдадан холи бўлмайди, — деди тадбирда сўзга чиққан туман прокурори Акмал Асrorов. — Биргина 2009 йилда коллежларни битирган 665 нафар битирувчининг 543 нафари муқим иш ўринлари билан таъминлангани фикримизнинг ёрқин далилидир. Шу билан бирга, таълим муассасаларида тахсил олаётган ёшларнинг таълим-тарбияси, дарсдан бўш вақтларида ўзлари севган спорт турлари билан мунтазам шуғулланишига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим.

Бунда ўқитувчи-мураббийлар, ота-она ва маҳалла фаоллари ҳамкорликда иш олиб бориши зарур. Бу, шубҳасиз, ёшлар ўртасидаги турли ҳуқуқбузарликлар сонини кескин қаматиришига хизмат

қилади.

Дарвоқе, туман прокуратураси ҳокимлик, тегишли ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда воғая етмаганларнинг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини ошириш борасида кўплаб учрашув ва тадбирлар ўтказиб келмоқда. Уларда ёшларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун ҳуқуқиматимиз томонидан кенг имкониятлар яратиб берилаятгани, бу имкониятлардан янгийуллик ёшлар ҳам кенг фойдаланиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш ишларини олиб бораётгани яхши самара бермоқда. Яратилган янги иш ўринлари ёшлар камолотига хизмат қилмоқда.

Дилором ЖУМАНИЗОВА,
«Adolat» мухбири.

Танлов

«Атиргул»нинг голиблари аниқланди



Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизларнинг жамиятдаги фаолиятини оширишга катта имконият яратиб берди.

Мазлумки, хар йили Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан 8 март — Халқаро хотин-қизлар кўни олдидан аённавий «Атиргул» кўрик-танлови ўтказиб келинади. Бундан кўзда тутилган мақсад мамлакатимиз иходкор аёлларини рағбатлантириб, янада юқори чўққиларни эгаллашга даъват этишдир.

Ана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон Миллий матбуот маркази биносидида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Фариди Акбарова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ОАВ вакиллари иштирок этди.

«Атиргул» танлови бу йил саккизинчи мартаба ўтказилмоқда. Бу йилги танловда Республиканинг барча ҳудудларидаги телерадиоканаллар, газета-журналларда ва интернет нашрларда фаолият олиб борувчи 50 дан ортик журналист аёллар 700 га яқин ижодий ишлари билан қатнашди.

Ижодий танловга келган материалларни таниқли журналист ва экспертлардан таркиб топган ҳайат аъзолари ўрганиб чиқиб, голибларни аниқлаб беришди.

— Шаҳода Акбарова («Аёл ва жамият» газетаси мухбири.) «Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнига бағишланган таҳлилий» мақолалари учун;

— Насиба Ризиева («Соадат» журнали жамоати мухбири) «Миллий қадриятлар ва инсонпарварлик» мавзусидаги материаллари учун;

— Шаркия Эшжанова («Тумарис авлоди» газетаси муҳаррири, Хоразм вилояти) Баркамол авлод тарбиясига бағишланган материаллари учун;

— Лариса Капустина («Андижанская правда» газетасининг Иқтисодий ва қурилиш бўлими мудбири) «Мамлакат иқтисодиётида олиб борилаётган ислохотлар самараси» ҳақидаги материаллари учун;

— Дилфуза Кўзиёева («Оила ва жамият» газетасининг масъул котиби) «Соғлом она — соғлом бола» руҳидаги туркум мақолалари учун;

— Назирахон Маҳсудова (Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси «Ёшлар студияси» лойиҳаси муҳаррири) «Ёшлар ҳаёти», «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази фаолияти ҳақидаги кўрсатувлари учун тақдирланишди. Шунингдек, танловда фаол иштирок этганларга диплом ва қимматбаҳо совғалар берилди.

Дилором РАҲМОН ҚЗИ.

Биз билган, билмаган тарих

ЭЗГУ АМАЛЛАРГА СОДИҚ АВЛОДЛАР

«ИККИ ТОҒ» УЧРАШУВИ

Сиз суратда кўриб турган бу йигитни ким, қаерлик, қандай инсонлар зурриёти, деб қизиқшингиз мумкин. Қизикмасангиз, ҳеч нарса билмайсиз. Мен ҳам худди шундайлардан эканман. Эрта-ю кеч Зайниддин билан бирга бўлиб, унинг Захириддин Мухаммад Бобур авлодидан эканлигини сира билмай келганман. Бир кун у билан Амир Темурутёмур бобомизнинг музейига кириб кетаётсам, музей олдида ўттиз-қирк нафар чамаси ҳиндистонлик меҳмонлар туришган экан. Улар ҳамроҳимга қарашиб, аввалига ўзларича нималаринидир дейишди. Сўнгра ҳаммаси келиб, ҳамроҳимни таржумон орқали гапга тугдилар:

— Сиз Баҳодиршоҳга ўхшар экансиз!

Зийрак меҳмонларнинг саволларига жавобан Зайниддин «Ҳа, мен Баҳодиршоҳнинг чеваралари бўлман», деди.

етиштириш амри маҳол эди. Одамлар меҳнати орқали бу ер унумли боғ-роғга, қанчадан-қанча Насриддин Мирзоларнинг ақл-заковати-ла жаннатмакон гўшага айланди.

Бу орада уруш бошланди. Чўлни бўстонга айлангирган йигитлар жанггоҳга отланди, дала ишлари эса кексалар ва аёлларга қолди... Ана шундай кунларнинг бирида Насриддин Мирзо йигирма нафар ёш болани етказиб, уйга кириб келди. Болалар оч, юпун эди. Рафикасини уларга бўздан қўйлақ ва иштон тиқишга ундади ва ўзи болаларни чўмилтира бошлади. Ун кун асраб, Гулистон шахрига олиб чиқди. Қўлларига пул берди, поездега чиқариб, юртларига жўнатди. Уруш ҳам тугади, тинч турмуш бошланди.



1955 йил, баҳор. Насриддин Мирзо боғларга мевали кўчатлар экаётганда, радио тўлкинидан ашула янграб қолди:

«Жамолинг васфини эй ой,
неча элдин эшиттаймен...»

Унинг қўлидаги кетмон ҳавода муаллақ қолди. Ашулани бутун вужуди билан тинглади. Кўзларига ёш олди. Ашула тугагач, чўнтагиндан рўмолча олиб, кўзларини артаётганда ёш Зайниддин отасидан сўради: «Ота, нега йиғлаясан?» У шундай жавоб қилди:

— Бу энг катта бобонг Бобур газалидур. Хофиз Фахриддин Умаров куйлади, куйлаганда ҳам ўринлатиб куйлади, отасига раҳмат. Бобонгнинг газалларини ҳали ҳеч ким бунчалик гўзал куйлай олган эмас, омон бўлсин шу хофиз!

ХИНДИСТОНДА БУХОРОГА...

Зайниддиннинг бобоси Баҳодиршоҳ Зафар (1837-1858) Ҳиндистонда йигирма бир йил ҳукмронлик қилди. Бобурийлар сулоласи эса роппа-роса 332 йил давом этди. Аммо 1857 йилги сипоҳийлар кўзголни инглизларга қўл келди. Улар 1858 йил Баҳодиршоҳни «қамал» қилишиб, ўғиллари Мирзомироғул, Хизир Султон Мирзо ва Абубақир Мирзоларни Бирманнинг Рангун шахридаги махсус қамоқоналарда бир мунча муддат сақлаб туриб, сўнгра сўроқсиз отиб ташлашди.

Уларнинг бу ёвуз ниятини сезган Баҳодиршоҳнинг яна бир ўғли — энг кичик шаҳзода Мир Ҳазар Дехлидан Қашмирга қочади ва Қашмирда бир қанча вақт ўтказди. У ердаги хиндлар шаҳзодагачи яшради. Аммо Қашмирда вазият ҳам оғирлашган эди.

1879-1880 йиллар оралиғида у Қашмирдан Афғонистон орқали Бухорога кириб келади. Уша пайтдаги Бухоро амири Музаффархон шаҳзодага пешвоз чиқиб, кўтиб олди ва бир неча кун меҳмон қилиб, хозирги Когон туманидан ер-суви тураржойи инъом қилади. Унга мирлик, яъни генераллик унвонини беради ва амирликдаги барча имтиёзлар ҳам у кишига яратилади. Амирликдаги Девонбегиннинг қизи Ҳадиёбегимга уйланади. 1920 йилгача амирликда генераллик мақомида ишлаб қолади.

... Мир Ҳазар 1896 йили ўғиллик бўлган, исми — Насриддин Мирзо. Насриддин улғайиб, Мир Араб мадрасасини тугатади. У жуда билимли, адолатпарвар ва ташкилотчи бўлган. 1917 йилги Россиядаги давлат тўнтарычи силсиласи 1920 йилда Бухорога ҳам етиб келди. Амир Олимхон шаҳзода Мир Ҳазарга уни ўзи билан бирга Афғонистонга олиб кетиш истагини билдирди. Аммо Мир Ҳазар Фрунзе жаллодларига қарши жанг қилишини айтиди. 1920 йилда «Кизил»лар томонидан ўз даврининг бир гуруҳ лавозимли кишилари қатори отиб ташланади.

Хуллас, биз бугун ўзимиз билган, билмаган тарих саҳифаларидан янги бир лавҳа билан танишдик. Бу Бобурийлар тарихи саҳифаларини яна бир бор ўтмиш кечинмалари билан тўлдирса, не ажаб!

Мажиддин САТТОРОВ,
фахрий журналист.

Маданият хабарлари

«ВАТАН ИЧРА ВАТАН»

«Маҳалла» жамғармасининг Хоразм вилоят бўлими, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда вилоят телерадио компанияси ҳамкорликда «Ватан ичра Ватан» кўрик-танлови ўтказилди.

Унда ёшлар маҳаллаларнинг ҳаёти, тарихи борасидаги ўз билимларини намойиш этдилар. Саҳналаштирилган бадиий чиқишлар, спортнинг айрим турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди.

Кўшқўйир тумани маҳаллалари жамоаси танлов голиби бўлди.

АНЪАНАВИЙ ТАДБИР

Ёзёвон туман иқтисодиёт ва маиший хизмат кесб-хунар коллежидида ўқувчи кизлар орасида навбатдаги «Хунаримдан гўзаллик унса» мавзусида кўрик-композиция бўлиб ўтди.

Коллеж ўқитувчиларидан — М.Олимова, Э.Хужақуллова ва М.Ахмедова ташаббусига кўра ташкил этилган бу гапга касбий тайёрликнинг тикувчилик йўналиши бўйича ўтган тадбирда ўқувчи кизлар ўз кўл меҳнатлари билан яратган миллий либослар, каштачилик намуналари ва бошқа хил чеварлик буюмларини намойиш этдилар.

Тошкент шаҳридаги Мирзо Улуғбек технология кесб-хунар коллежи томонидан 2004 йилда Ризиев Азамат Нафосович номига берилган К № 058160 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши партиянинг Серғеи тумани Кенгаши раиси ўринбосари **Арофат РУСТАМОВ**нинг вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг ақиллари-га тазвия изхор қилади.

ADOLAT

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ

adolat_sdp@doda.uz

Бош муҳаррир Худоев МАМАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-57-14

ISSN 2091-5217

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир хайъати

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Алишер МҲМИНОВ,
Жовлатхон ИНОҒОМОВ,
Зухра БОТИРОВА,
Иқбол МИРЗО,
Муҳаммад АЛИ,

Мамазоир ХҲЖАМБЕРДИЕВ,
Муқаррамхон АЗИМОВА,
Равшан ҲАЙДАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Талъат МУРОДОВ,
Қодир ЖҲРАЕВ

Нашр учун масъул Рустам АХМАДАШИЕВ
(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)

• «Адолат»дан кўчириб бошиш фақат таҳририят руҳсати билан амалга оширилади. t — Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси 100

Навбатчи муҳаррир — Камол АЛЛАЕВ
Навбатчи — Муродулла ҒАҒУРОВ